

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРДА СУРИНКАЛИ ТАРҚОҚ ПАРОДОНТИТЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ГИГИЕНАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Эронов Ёқуб Қуватович

Бухоро давлат тиббиёт институти

Тадқиқотнинг долзарблиги. Болалар ёшида профессионал гигиена – тиш юзасидан милк усти ва ости тиш ажралмаларини механик тозалаш йўли билан тишлар кариеси ва пародонтда яллиғланиш касалликлари ривожланишини бартараф қилувчи ва олдини олувчи чоралар комплекси. Оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси бир нечта босқичларни ўз ичига олади: беморни стоматологик касалликларнинг олдини олишга рағбатлантириш ва уни оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенага ўргатиш; милк усти ва ости тиш ажралмаларини олиш; тиш юзасининг силлиқланиши; тиш карашининг тўпланишига олиб келувчи омилларни бартараф қилиш. Тиш усти ажралмаларини тозалаш самарадорлиги мос келувчи гигиена индекслари ёрдамида назорат қилинади.

Оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенасини мактаб ёшидаги болаларга пародонт юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнларининг сезиларли даражада пасайишига олиб келувчи, оғиз бўшлиғининг индивидуал гигиенасини назорат қилиш комплексида, йилига 2-3 марта ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Имконияти чекланган болаларда профилактика дастурларининг асосий компоненти оғиз бўшлиғида шахсий гигиенага риоя қилиш мотивациясини ошириш учун гигиена тарбиясининг берилиши бўлди. Биз оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенанинг сифатини ошириш учун кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун таклиф қилинаётган оғиз бўшлиғида профессионал гигиена алгоритмининг таркибига кирган мактаб ёшидаги болаларда кетма-кет гигиеник тарбия ва гигиена чораларининг схемасини ишлаб чиқдик ва таклиф қилдик, у 3 босқичдан ташкил топган:

Имконияти чекланган болалар тишларини кунига 2 маҳал, ўрта юмшоқликдаги тиш чўткаси ва яллиғланишга қарши паста билан эргалаб нонуштадан кейин ва кечки вақт уйқудан олдин тозалашди. Бундан ташқари улар ҳар сафар овқат қабул қилгандан кейин оғиз бўшлиғини парваришlash бўйича қўшимча гигиена воситаларидан фойдаланишга тайёрланди ва ўқитилди.

Оғиз бўшлиғида гигиенанинг йўқлиги, ёки унинг ёмон сифатда эканлиги болаларда пародонт юмшоқ тўқималарида гингивит ва кариес касалликлари ривожланишига олиб келувчи асосий омил ҳисобланади.

Замонавий эпидемиологик маълумотлар нафақат болалар ва катталарда пародонт патологиясининг сезиларли даражада тарқалганлигидан, балки касалликнинг частотасига оғизда гигиена ҳолати, тиш ажралмаларининг кўп миқдорда бўлиши, сифатсиз протез ва

пломбалар, тиш-жағ деформациялари, табиий иммунитетнинг тўлдирувчи механизмлари бузилиши ва ҳоказолар таъсир қилишидан гувоҳлик беради.

Сўнги йилларда оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималарида патологиянинг ўсишини фақат даволаш чоралари билан тўхтатиш қийинлиги, баъзан эса имконсизлиги маълум бўлмоқда. Шу сабабдан асосий стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий қилиш зарур [1.3.5.7.9.10].

Имконияти чекланган профилактика – бу саломатликни юқори даражасини таъминлаш ва оғиз бўшлиғи ва бутун организмда касалликлардан огоҳлантиришга йўналтирилган ижтимоий, гигиеник ва тиббий чоралар давлат тизими. Профилактиканинг асосий мақсади касалликлар ҳосил бўлиши ва ривожланишининг асосий сабаблари ва шартларини бартараф қилиш, шунингдек организмнинг атроф-муҳитнинг салбий омилларини таъсирига бардошлилигини ошириш ҳисобланади.

БСТ таснифлашига кўра стоматологик профилактика қуйидагиларга бўлинади:

1. Бирламчи
2. Иккиламчи
3. Учламчи.

Оғиз бўшлиғининг профессионал ва индивидуал гигиенаси бирламчи профилактикага киради. Индивидуал гигиена тиш ва милк юзаларидан беморларнинг ўзлари турли гигиена воситалари ёрдамида тиш ажралмаларини яхшилаб ва доимий тозаланишини кўзда тутади: тиш чўткалари, пасталари, гел эликсирлар, сақич, чайгичлар, оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена воситалари.

Профилактиканинг энг самарали ва шу билан бирга энг оддий ва очик чораларидан бири оғиз бўшлиғи гигиенасининг замонавий воситаларидан фойдаланиб тишлар, оғиз бўшлиғини тўғри ва самарали парваришлаш ҳисобланади.

Стоматологик касалликлар профилактикасида етакчи компонент оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена ҳисобланади. Тишларнинг стоматологик тозаланиши, юмшоқ тиш ажралмаларининг олиниши эмалнинг физиологик, биокимёвий етилишига олиб келади. Тишларни чўтка билан тозалашда милкларнинг доимий массажи алмашинув жараёнларининг фаоллашуви, пародонт тўқималарида қон айланишининг яхшиланишига олиб келади.

Имконияти чекланган болаларда пародонт касалликларини профилактикасида самарали метод сифатида оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенани сақлашга мактаб ёшидаги болаларда рағбатлантириш ролини ошириш ўрганилди.

Ҳозирги кунда пародонтнинг ҳолати ҳамда оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена даражаси ўргасида яқин ўзаро алоқа белгиланган.

Оғиз бўшлиғида гигиена даражаси паст бўлганида юмшоқ ва қаттиқ тиш қараши тишларнинг бўйинчалари ва тишлараро ораликларда тўпланган ҳолда, милкларнинг яллиғланиши ва тиш-милк бирикмасининг бузилишидан бошлаб, жағларнинг суяк тўқимасида деструктив жараёнгача бутун пародонтал комплексда деструкция механизмининг бузилишига олиб келади.

Имконияти чекланган болаларда оғиз бўшлиғида гигиенага бағишланган кўп сонли мақолалар ҳамда замонавий бозорда турли-туман гигиена воситаларининг мавжудлигига қарамасдан, аҳолининг катта қисмида оғиз бўшлиғида гигиена ҳолати қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Оғиз бўшлиғида гигиена йўқлиги ёки унинг ёмон сифати, болаларда пародонт юмшоқ тўқималарининг асосий касалликлари, гингивит ва кариес ривожланишига олиб келувчи асосий хавф омилли ҳисобланади.

Клиник кўриқда тишнинг шакли, тишлам ҳолати, милклардан шиш, гиперемия ва қон кетиши аниқланди. Кўп миқдорда тиш ажралмалари мавжудлиги белгиланди. Педиатр стоматолог қабулига биринчи ташрифда болалар ва уларнинг ота-оналарида оғиз бўшлиғини гигиеник парваришlash бўйича билим ва кўникмалар аниқланди. Оғиз бўшлиғининг индивидуал гигиенасида мактаб ёшидаги болалар ва уларнинг ота-оналари фойдаланадиган восита ва методлар аниқланди.

Умумий қабул қилинган пародонтологик даволаш болаларни уларнинг ота-оналари ёнида оғиз бўшлиғида гигиена методларига ўргатган ҳолда, оғиз бўшлиғида профилактик ва индивидуал гигиена ўтказилишидан бошланди.

Имконияти чекланган бола учун оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена схемаси тузилди, яллиғланишга қарши пасталардан фойдаланиб юмшоқ тиш чўткаларида тишларни стандарт тозалаш методлари ўргатилди. Оғиз бўшлиғида сифатли гигиенани таъминлаш учун кўшимча воситалардан фойдаланилди: флоссалар, тиш тозалагичлар, тиш эликсирлари, чайгичлар, сақичлар. Аммо ҳатто яхши кўникмалар бўлганида турли воситалардан фойдаланиб оғиз бўшлиғини парваришlashнинг маълум методларидан доимий фойдаланиш ҳам стоматологик касалликларнинг профилактикасидек мураккаб муаммони ҳал қилмайди. Шунинг учун индивидуал гигиенани оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси билан бирга олиб борилди.

Оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенаси бир неча босқични ўз ичига олди: беморларни стоматологик касалликларнинг олдини олишга рағбатлантириш ва уни оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенага ўргатиш; милк усти ва ости тиш ажралмаларини тозалаш; тиш юзасини силлиқлаш; тиш қараши тўпланишига олиб келувчи омилларни бартараф этиш. Тиш устида ажралмаларнинг самарали олиниши мос келувчи гигиена индекслари ёрдамида назорат қилинади [2.4.6.8.10].

Оғиз бўшлиғининг профессионал гигиенасини мактаб ёшидаги болаларга пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш жараёнлари сезиларли даражада пасайишига олиб келувчи оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенани назорат қилиш комплекси билан йилига 2-3 марта ўтказиш мақсадга мувофиқ. Текширилган мактаб ёшидаги болаларда профилактика дастурларининг асосий компоненти оғиз бўшлиғида шахсий гигиенага риоя қилишга рағбатлантириш учун гигиена тарбиясини ўтказиш бўлди.

Имконияти чекланган болалар тишларини 2 маҳал, ўрта юмшоқликдаги чўтка ва яллиғланишга қарши паста билан эрталаб нонуштадан кейин ва кечки вақт уйқудан олдин тозалашди. Бундан ташқари улар ҳар сафар овқат қабул қилгандан сўнг оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенанинг кўшимча воситаларини қўллашга ўргатилди. 1 ва 2-даволаш гуруҳларида оғиз бўшлиғининг ҳам профессионал, ҳам индивидуал гигиенаси билан даволаш-профилактика чоралари ўтказилгандан 2 ҳафта ўтиб ГИ нинг меъёрий қийматларгача тушиши кузатилади, шунингдек милкда яллиғланиш реакцияларининг ишончли пасайиши ва милклардан қон кетиши йўқлиги белгиланди, бу ўтказилган гигиена чоралари натижасида пародонт касалликларининг ўрганилаётган аломатлари яхшиланишидан гувоҳлик қилади.

Имконияти чекланган болаларнинг назорат гуруҳида ижобий натижалар олинмади, аксинча СКГ ривожланишини кўрсатувчи, милкдан қон кетиши органлиги ва оғиздан ёқимсиз ҳид пайдо бўлишини айтиб ўтиш лозим, пародонт юмшоқ тўқималарида милкнинг яллиғланиш реакцияси дастлабки даражада қолди.

Шундай қилиб, 1 ва 2-гуруҳ болаларида ПМА милкда яллиғланиш индексининг даражаси назорат гуруҳидан мос равишда 8,9% ва 7,7% кўрсаткичга паст бўлди. МҚИ – 1,5 марта. 1-гуруҳда юмшоқ тиш қараши тўлиқ йўқолди, 2-гуруҳда даволашгача бўлган маълумотлар билан таққослаганда 0,8 марта кам, бу вақтда назорат гуруҳида ўзгаришлар деярли кузатилмади.

Назорат гуруҳи билан таққослаганда ўрганилаётган бошқа клиник текстларнинг ўзгариш характери худди шундай.

Хулоса. Олинган маълумотларнинг таҳлили пародонт касалликлари ривожланишини олдини олишнинг энг яхши усули оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена воситалари ёрдамида, гигиена чоралари билан тиш карашини тўлиқ тозалаш бўлди. Мактаб ёшидаги болаларни оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенанинг сифатли даражасига риоя қилишга рағбатлантириш, бу болаларда СКГ профилактикасининг оммабоп, оддий, шу билан бирга самарали методларидан бири ҳисобланади. Олинган маълумотлар асосида оғиз бўшлиғида индивидуал гигиенани ўтказиш, оғиз бўшлиғида ГИ ни юқори даражада қўллаш учун мактаб ёшидаги болаларда мотивациясини ошириш босқичларининг кетма-кетлиги ишлаб чиқилди. Олинган маълумотлар гигиена чоралари комплексининг самарадорлигини тасдиқлайди ва профессионал гигиена билан уйғунликда ўтказилган оғиз бўшлиғининг тўғри индивидуал гигиенасидан гувоҳлик қилади, бу пародонт касалликларининг профилактикасида зарур шарт ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Эронов Ё. К. ANALYSIS FOR DETERMINING THE FEATURES OF LOSHLY-YUSHENKO-KRASNAGORSKY IN CHILDREN CEREBRAL PERSPECTIVE WITH CHARACTERISTICS OF THE STRAIN COMPOSITION //Новый день в медицине. – 2020. – №. 2. – С. 272-274.
2. Эронов Ё. К., Ражабов А. А. ESTIMATING THE PREVALENCE OF CARIES IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY //Новый день в медицине. – 2020. – №. 2. – С. 634-635.
3. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. TREATMENT OF CHRONIC CATARRHAL GINGIVITIS IN CHILDREN WITH DISABILITIES IMPROVEMENT //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 71-74.
4. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. DIAGNOSIS, PROPHYLAXIS AND TREATMENT OF CHRONIC CATARRHAL GINGIVITIS IN CHILDREN WITH DISABILITIES IMPROVEMENT //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 3. – №. 10. – С. 67-70.
5. Eronov Y. Q., Mirsalixova F. L. Dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the bukhara region //International Journal of Applied Research. – 2019. – Т. 5. – С. 151.
6. Eronov Y. K., Mirsalikhova F. L. Indications for the comprehensive prevention and treatment of dental caries in children with cerebral palsy //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 5705-5713.
7. Eronov Y. Q., Kamalova M. Q. Evaluation of caries prevalence in children with cerebral palsy //Academicia: an international multidisciplinary research journal. – 2020. – Т. 10. – С. 85-87.
8. Эронов Ё., Мирсалихова Ф. ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРДА СУРИНКАЛИ КАТАРАЛ ГИНГИВИТЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ //Медицина и инновации. – 2021. – Т. 1. – №. 4. – С. 681-685.
9. Раджабов А.А., Раджабов А.Б., Темирова Н.Р., Камалова Ш.М. Оценка результатов первичной хейлопластики у детей с врожденной двусторонней расщелиной верхней губы и нёба// Электронный научный журнал «Биология и интегративная медицина». - 2017. - № 5. - С. 36-46.
10. Rajabov A. A. INDICATIONS FOR THE DISEASE OF INFLAMMATORY DISEASES OF THE DENTAL SYSTEM IN CHILDREN WITH EXAMINED CEREBRAL PALSY //EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 56-60.